

Омбудсман ва касоба уюшмалари

Омбудсманнинг Хоразм вилояти бўйича вакили - вилоят касоба уюшмалари кенгаши раиси Марат Юсупов бой тажрибига эга бўлган, ташкилотчи, қатъиятли инсон. Хузурига умид билан келган ҳар бир кишини самимий қаршилаб, дил сўзларини берилиб тинглайди. Мушкулини осон этиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади. Фаолиятининг асосий қисми фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тарғиб қилиш, шикоят ва аризаларни атрофлича ўрганиб, ижобий ҳал этишга қаратилмоқда. Сўнгги вақтларда назорат таҳлилий ишларни амалга ошириш, семинарлар, давра сўхбатлари ташкил этиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

ОДАМЛАР МУШКУЛИНИ ОСОН ЭТИБ

Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакилнинг таъкидлашича, баъзида бир ишчи-хизматчи ёки тадбиркор муаммосини ҳал этиш учун узоқ вақт изланишга, курашишга тўғри келади. Баъзида ҳуқуқ-тартибот идоралари, суд орқали адолат тантанасига эришилмоқда. Шу ўринда бир мисол: ўтган йили минтақавий вакил томонидан 117 нафар фуқаро қабул қилинди. Улардан 109 кишининг мурожаати ижобий ҳал этилди. М.Юсупов айни пайтда Омбудсман хузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясининг аъзоси ҳамдир. Худди шу йўналишда олинган 24 та шикоятни ҳам вақтида ҳал этишга эришди.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, турли инстанциядаги судлар фуқароларнинг ишларини баъзида бир ёқлама, гоҳида эса дастлабки тергов материалларига асосланиб олиб бораётганлиги чалқашликларга сабаб бўлмоқда. Боз устига кишлоқ жойлардаги аҳолининг амалдаги қонунларимизни тўла-тўқис билмаслиги,

унга сунмаслиги ёки мансабдор шахсларнинг бирёқлама ил юритиши оқибатида ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Ишловчининг иш ҳақи, тоvon пули каби ўтовлар вақтида берилмаётганлиги сабабли кимлардир ойлаб сарсон бўляпти. Масалага ойдинлик киритишда Омбудсманнинг Хоразм вилояти бўйича вакилининг қатъиятлиги, бурч масъулиятини чуқур ҳис этганлиги муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам Янгибозор туманидаги Ҳамза номли ширкат ҳўжалигиндан ногирон Қ.Рўзиматовга 200 миnг сўм, «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамиятидан Қ.Ўрозбоевга 201 миnг, Шовот туманидаги «Қури-лиш таъмирлашхизмат» унваскидан Қ.Шаматовга 419 миnг, Урганч қурилиш ашблари заводи ҳиссадорлик жамиятидан Д.Жуманиёвга 519 миnг сўм ундириб берилди. Буларнинг ҳаммаси касоба уюшмалари, хусусан Омбудсманнинг вилоят бўйича вакили обрўсига обрў қўшмоқда.

С. АГЛАЕВА, «Ишонч» мухбири

ЖАЁТ ИШҚИ



Чунончи, уюшмага қарашли «Очил дастурхон» фермер ҳўжалиги раҳбари Қодир Абдуллаев бу йилги мавсумни муваффақиятли якунламоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биргина пахтачиликнинг ўзидан 8 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олинди. Фермер ўтган йилги даромади эвазига оила аъзолари учун «Тико» русумли енгил автомашина сотиб олди. Бугун техникалар деҳқонга мададкор бўлаётди.

Нишон туманидаги «Туркманистон» фермер ҳўжалигининг Ҳазрат Дўстматов, Миришкор туманидаги «Янгиобод» фермерлар уюшмасининг Улуғбек Исмилов, Қарши туманидаги «Ипак йўли» ҳўжалигининг Ҳасан Раҳматов, шу тумандаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ҳўжалигининг Исқоқ Қўлдошев, Чирочқи туманидаги «Чиял» ҳўжалигининг Фарҳод Дўсиёров, Шаҳрисабз

туманидаги Бобур номли ҳўжалигининг Вайдулло Йўлдошев, Қосон туманидаги «Қосон» ширкат ҳўжалигининг Шўҳрат Ражабовлар сингари оилавий пудратчи ва фермерлари ҳар гектар ердан 45-50 центнердан ҳосил кўтариб ибрат қўрсатдилар.

Вилоятда йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилаётганлигининг яна бир омили илгорларга вилоят ҳокими номидан топширилган тартиқномадир. Илгорларча ишлаб чиқариш илгорларидан 1000 нафарига ана шундай табриқнома берилган топширилди. Вилоятда 170800 гектар майдонда ғўза юқори агротехника талаблари асосида парвариш этилди. Пахтакорлар бу йил катта мақсад билан 410 миnг тонналик хирмонни тезроқ бунёд этиш учун бор куч ва имкониятдан оқилона фойдаланаяптилар. Бугунгача вилоятдаги 8964 та оила пудратчиларидан

3355 нафари, 6859 та фермер ҳўжалиқларидан 2918 таси давлат шартнома режасини бажардилар. Пахтачиликдан 88 миллиард 150 миллион сўм соф фойда олиш кўтиляпти. Унинг асосий қисми меҳнатқашларни ижтимоий химоя қилишга йўналтирилди.

Бугунги кунда пахтакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган химмати банд хашарчилар ҳам йиғим-теримда фаол қатнашмоқдалар. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Касоба уюшмалари вилоят кенгашида ҳафтанинғ ҳар душанба кун тармоқ кўмитари раислари ва мутахассислари билан йиғим-теримда иштирок этаётганларга яратилган шароитлар уларни рағбатлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилишга тегишли чоралар кўриломоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири

БИР КУНДА ЭЛЛИК МИЖОЗГА

Қўргонтепа туманидаги Бирлашган кишлоқда бир кунда эллик мижозга хизмат кўрсатадиган кишлоқ врачлик пункти очилди.

Шифо масканини қуриш, унга тахшиш ва даволаш ўскуналарини ўрнатиш учун «Бирлашган» ширкат ҳўжалиги, фермер ва тадбиркорлар томонидан маблағ ажратилди.

Шунингдек, ширкат ҳўжалиги ҳисобидан кишлоқлар газлаштирилмоқда, шу йил 3,5 километр узунликда газ қувури тортилди. Ушбу мақсадлар учун 44 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда туман бўйича 21та кишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.

ОРОЛ МУАММОСИ - ЭЛ МУАММОСИ

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси «Орол муаммоси - эл муаммоси» мавзусида танлов эълон қилди. Унда минтақадаги экологик муаммолар, тобора орта чекинаётган денгиз тақдирини, Орол бўйи аҳолисининг саломатлиги ва машаққатли меҳнати акс этган фильм, телекурсау, радиозинтириш ва мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Танловни ўтказишдан мақсад, - дейди Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси Тўлепберген Каипбергенов, - денгиз бошига тушган қулфатга жамоатчилик диққатини чуқурроқ қаратиш, экологик вазиятни барқарорлаштиришга аҳоли иштирокини фаоллаштиришдан иборат. Танлов гоилиблари Наврўз байрами арафасида эълон қилинади.

(ЎЗА), «Туркистон-пресс»

БАЛИҚЧИ НОТЎКИМА МАТОЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТУМАНДАГИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРДАН БИРИДИР

Айни пайтда 350 нафар ходим меҳнат қилаётган даргоҳда тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакатимизнинг маҳаллий пахта саноат масканларига етказиб берилмоқда.

Бу ерда асосан ёшлар меҳнат қилашади. Уларнинг 180 нафари аёллардир.

Қорхонада бошқа ишлар ҳам кўнглидагидек ташкил этилган. Бу ўринда касоба уюшма кўмитасининг ўрни ва олиб бораётган ишларига алоҳида тўхталиш жоиз. Хусусан, маъмурият билан тузилган жамоа шартномаси бандларида кўрсатилган талаблар бекаму кўст бажариб келинмоқда.

Ишчи-ҳодимларга барча зарур шарт-шароитлар яратилган, - дейди касоба уюшма кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи С.Нуриддинов. - Жумладан, ҳар оменда бир маҳал бепул тушлик ташкил этилган. Ҳодимларнинг ишга бориб-келишлари учун «Отўйўл» автоулови хизмат кўрсатмоқда. Бирлашмада ўртача иш ҳақи миқдори ҳозирда

ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШГАЧ, 400 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

42 миnг сўмни ташкил қилапти. Зарурли шароитда ишловчиларга махсус таомлар бепул берилмоқда.

Ишчи-хизматчилар соғлиқларини яхшилаш мақсадида улар республикамизнинг турли сийҳатгоҳларига юборилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида 20 нафар ишчи «Қосонсой» сийҳатгоҳида, Андижондаги клиникада саломатликларини мустаҳкамладилар. Барча сарф-ҳаражатлар қорхона ҳисобидан қопланди. Меҳнат маскани қошида ташкил этилган тиббий пункт жамоага бебиннат хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳодимларни мамлакатимизнинг турли зияратгоҳ жойларига саёхатга олиб бориш ҳам одатга айланган.

Ўтказилаётган тўй-маъракалар қорхона маъмуриятининг бевоситата

ҳомийлигига олинган, бундай кунларда энг кам иш ҳақининг 20 баробари гача моддий кўмак кўрсатилади.

Ҳодимлар охинона, ювиниш хоналаридан хурсанд. Маънавият ва маърифат хоналари шинам ва кўркам жиҳозланган. Бу ерда кундалик газеталар билан мунтазам таъиниш бориш имконияти мавжуд. Шунингдек, ҳар йили ишчи-хизматчилар бепул тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Уларнинг барчаси махсус кийим-бош билан таъминланган бўлиб, қорхона ҳисобидан 800 миnг сўм маблағ ажратилган.

Бу ерда германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қалава ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма қорхона барпо этилмоқда. Ҳозирда хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилаётди. Мутахассисларнинг фикрича, мавжуд имкониятлар тўла ишга солинса, келгуси ойдан қорхона ўз фаолиятини бошлайди. Натигада, 400 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланади.

О. ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Олтинқўл тумани Оқтепа кишлоқдаги Янги-чек маҳалласига газ қувури тортиб келинди. Айни пайтда қўшни Катта Оқтепа кишлоқига ҳам газ ўтказишга киришилди.

Кишлоқларни газлаштириш ишларига 10 миллион сўм сарфланди. 24- мактабни жорий таъмири учун «Оқтепа» ширкат ҳўжалиги 3 миллион сўм ажратди.

Буларнинг барчасига жамоамиз аъзоларининг захматли меҳнати тўғайли эришялмиз, деди ҳўжали бoш ҳисобчиси Акмалжон Акбаров «Туркистон-пресс» мухбирига. - Ўтган йили 524,2 миллион сўм даромад олгандик. Жорий йилда ялпи даромаддан 531,9 миллион сўмга етказишни режалаштирганмиз.

А.Ақбаровнинг таъкидлашича, «Оқтепа» ширкат ҳўжалиги туманда биринчилардан бўлиб пахта етиштириш шартнома мажбуриятини ууддалади. Галла етиштириш режаси ҳам ошириб бажарилди, 306 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 78,3 центнердан галла ҳосили олинди.

Пахта топшириш режасини 110 фоизга бажаришни ният қилганмиз, деди А.Ақбаров. - Натигада ҳўжалиқнинг ялпи даромади 545 миллион сўмга етди.



Кўчмас мулк объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш ер муносабатлари кўчмас мулк кадастрининг асосий вазифаси ҳисобланади. Мазкур вазифани Тошкент вилояти Урта Чирчиқ

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

Жорий йил бошидан буён Янгийўл шаҳрида 88 та кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олинди. Шундан 76 таси - микрофирма, ўн иккитаси - кичик қорхона. Уларни ташкил этиш натижа-сида 1173 та янги иш ўрни яратилди. Уларга йил давомида тижорат банклари томонидан 460 миллион сўмдан зиёд кредит берилди.

Шаҳримизда рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 520 тадан ошди, - дейди шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Олимжон Топилов. - Улар томонидан бу йил 184 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу шаҳар бўйича ишлаб чиқариш

ҳажмининг 12 фоизини ташкил этади.

Экспорт ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан бир неча баравар ошди. Шаҳардаги «Авесто шакс», «Сани-пей-пер энд пекежин», «Фараз» қўшма қорхоналари ва «Ўткир» хусусий фирмаси томонидан 291 миnг АҚШ доллари миқдоридаги махсулот экспорт қилинди. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Болгариянинг «Тимекс ООД» компанияси билан ҳамкорликда «Тимекс косметикс» масъулияти чекланган жамият тузилди. «Мунис ЛТД» қорхонаси томонидан эса 128 миллион сўм миқдорида хорижий инвестиция жалб этилди.

Айни пайтда шаҳримизда икки миnг 300 дан ортиқ яқка тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Палата тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга зарур махсуслаштар бериб, таъсис ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашмоқда. Утган ўн ой давомида палата қошидаги «Информ» маркази томонидан тадбиркорлик субъектларига 4,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Тадбиркор ўз ҳуқуқини англаб етса, муаммоларини қонуний ҳал қила олади. Шу боис уларнинг иштирокида семинарлар ўтказилмоқда. Ойда бир марта эса «Тадбиркорлар кўни» белгиланган. Шу куну улар уларнинг кийнаётган барча саволларга тегишли мутасаддилардан жавоб олади.

(ЎЗА)

Мухбир нуқтаи назари

Хоразм вилояти тармоқ касоба уюшма кўмиталари «Обод маҳалла йили» муносабати билан меҳнатқашларни, айниқса, ёрдамга муҳтож, ногирон, кўп болали оилаларни, ёлғиз қарияларни, ёш болали аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътиборни тобора кўчайтирмоқда. Вилоят кўмиталари томонидан бошқармалар, бирлашмалар, концертлар билан 35 та вилоят, 44 та худудий тармоқ келишувлари, туман, шаҳар касоба уюшмалари ишларини мувофиқлаштирувчи кенгашлари тегишли товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ҳамда ҳокимликлар билан 11 та худудий келишувлар, қорхона, ташкилот, муассасалар, касоба уюшмалари ташкилотлари билан биргаликда эса 1293 та жамоа шартномалари имзоланган.

гансўт» ҳиссадорлик жамияти, 3-сон уй-жой мулкдорлар ширкатида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Айрим жамоаларда, қорхона ва ташкилотларда эса 2003 йил учун жамоа шартномалари, масалан, 79-сон Хива автоқорхонаси, «Такси-хизмат» ҳиссадорлик жамияти, «Азиятэкстил лимитет» қўшма қорхоналарида умуман тузилмаган.

Қатор қорхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларида белгиланган тадбирлар бажарилмасдан келинмоқда. Баъзи бошланғич касоба уюшма ташкилотларида иш ва дам олий шаро-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

минларли ўтказилди.

Лекин, тармоқ касоба уюшмаларининг жамоа шартномаларининг сони ва сифатини юксалтириш борасидаги фаолиятда камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Соғлиқни сақлаш, савдо ҳодимлари, кичик, ўрта бизнес, машинасозлик, қурилиш тизимидаги қорхоналарда жамоа шартномалари тармоқ касоба уюшмаси вилоят кўмиталари томонидан ўз вақтида экспертиза қилинмаган ёки юзаки кўриб чиқилган.

Натигада, қатор қорхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларининг мазмуни ва сифати талаб даражасида эмас. «Савдогарбанк», «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятлари, «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамият, вилоят тери-таносил касалликлари диспансери, «Шовот подшибник» қорхонаси касоба уюшма кўмиталарининг маъмурият билан тузган жамоа шартномалари хўжа кўрсинга ишлаб чиқилган, деган таассурот уйғотади.

Баъзи қорхона ва ташкилотларда 2003 йилги қабул қилинган жамоа шартномаларини бажариш ақуналари назорат остига олинмапти. Масалан, Урганч шаҳридаги «Саноат вентиляция», «Баққолик» ҳиссадорлик жамияти, вилоят кутубхонаси, «Автотеххизмат», «Ур-

итларини яхшилаш учун ҳаракат сезилмапти, жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирлар гоҳозда қолиб кетмоқда. Бундай ҳолатларни вилоят босма-хонаси ва қуриқлаш бўлими касоба уюшма кўмиталарида қўриш мумкин. Вилоят ирригация қурилиш трестига қарашли 10-сон кўчма қалъамна, таъмирқурилиш трести, Урганч қурилиш материаллари заводида ҳиссадорлик жамияти касоба уюшма кўмиталари раҳбарларининг ўз ишларига масъулиятсизлик билан қарашлари тўғайли ишлаб чиқаришда тан ҳароҳати олиб, ногирон бўлган ҳодимларга тоvon пуллари тўланмаган.

Айрим жамоа шартномаларида ёш болали оналарга имтиёзлар бериш ўрнига, улар ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Вилоят солиқ бошқармаси ҳодими М.Раҳимова, Урганч шаҳар 9-сон боғча-ясли мудири си Н.Юсуповларни ноқонуний ишдан бўшатишига касоба уюшма кўмиталари розилик берганлар. Вилоят касоба уюшмаларининг аралашувидан кейингина ишлар судда қўрилиб, иккала фуқаро ҳам ишга қайтқанликданли.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

